

ЯНГИ ИСЛОҲАТЛАРНИНГ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ХАЁТИДА ТУТГАН  
ЎРНИ

Азбергенова Мунира Чаржаўвна

ҚДУ талабаси

muniraazbergenova5@gmail.com

Шамшетова Зулхумар Караматдиновна

ҚДУ талабаси

zulxumarshamshetova2003@gmail.com

**Аннотация:** Ушбу мақолада давлатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ислоҳотлар ва янгича йондочувлар, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда жиноятчиликни қисқартиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** вояга етмаганлар жиноятчилиги, вояга етмаганлар ҳуқуқ ва еркинликлари, қонун, норматив-ҳуқуқий ҳужжат.

Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёт йўлидан маълумки, юртнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига чамбарчас боғлиқ. Шу боис давлатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда «..бугунги кунда биз демократик ислоҳотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Қанчалик қийин бўлмасин, фақат олдинга – янги, юксак марралар сари бораверамиз» деб таъкидлаб ўтилди [1.Б.-56].

Айниқса, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ҳозирги давир глобализация шароитида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини янада такомиллаштиришга, йилдан-йилга халқаро ҳамжамиятга тобора кўпроқ интеграция қилишга, вояга етмаганлар соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалаларига катта эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон Фармони [2] билан тасдиқланган «Янги Ўзбекистон тароққиёт стратегияси» нинг 70-мақсадида: ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш; ёшларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, улар учун малакали тиббий хизматдан фойдаланиш шарт-шароитларини яхшилаш, ёшлар ўртасида тиббий саводхонликни ошириш ва соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш; ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига

кўмаклашиш; ёшлар учун очик ва сифатли таълимни таъминлаш, таълимнинг барча босқичларида ёшларнинг мукамал таълим олишини таъминлаш, ҳудудларда инклюзив таълим ривожланиши учун шарт-шароит яратиш; ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш; ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга шахс сифатида тарбиялаш; ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш; ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш; иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш; ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш; ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш; ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш; ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш соҳасида фаолият олиб борувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш каби бир қатор вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг профилактикаси тўғрисида” ги [3], 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–406-сонли “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги” Қонуни [4] ва бошқа қонунларда ёшларга оид сиёсатни янада жадаллаштириш, улар томонидан жиноятлар содир этилишини олдини олиш ҳамда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Ачинарлиси давлатимиз раҳбари томонидан яратилиб берилган имкониятлардан унимли фойдаланмасдан ўз келажagini ўзлари барбод қилган ёшларимиз ҳам кам эмас. Республикамизда 2023 йилнинг 8 ойида 2121 нафар вояга етмаганлар томонидан 2024 та жиноят содир этилган. ИИВ Жамоат хавфсизлигини департаментининг маълум қилишича, жиноятларда 1424 нафар мактаб ўқитивчиси иштирок еткан. Бундан ташқари, 291 нафар академик лицей ва касб-хунар таълим муассасалари томонидан жиноят содир этилган. Шундан, 142 нафар ишламасдан йурганлар (мактабни тамомлаган) ҳамда 264 нафар ишлайдиган вояга етмаганлар ҳам жиноятга кул ўрган [5].

Президентимиз иштирокида булиб утган ИИВ кенгайтирилган ҳаяат йиғилишида “Эътибор беринг, ёшлар жиноятчилигининг катта қисми назоратсиз қолган вояга етмаганлар томонидан содир қилинмоқда. Энг ачинарлиси, вояга етмаганлар ичида ўта оғир жиноят содир этганлари ҳам бор”, - деди давлатимиз

рахбари [6]. Шу муносабат билан, 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида ПФ-158-сон Фармони имзоланди. Мазкур стратегиянинг 32-мақсадига кўра, 400 минг нафар ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва муаммоларини ҳал этишга эришиш вазифаси ёритилган. Бундай вазифани ижро этиш учун давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида муҳим ишлар амалга оширилиши белгиланган. Шунингдек, ёшларнинг ишсизлик даражасини 14 фоиздан 11 фоизга камайтиришга эришиш устувор вазифа қилиб белгиланди [7]. Шунки, ишсизликдан хомоя қилиниш ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдин олишга, вояга етмаганлар назоратизлигини, қаровсизлигини, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайри ижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олишга, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, еркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳамоя қилинишини таъминлашга ёрдам беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш бу енг аввало ижтимоий фаолият бўлиб, жамият ривожланиши ва бошқа ижтимоий ҳолатлар билан ўзаро алоқадарликда бўлиб, ўз ўрнига егадир. Фикримизча, вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш ишларида давлат сиёсатининг аҳамияти бу борада ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ва шу йул билан турли амалий тадбирларни олиб боришга, вояга етмаганлар орасида қонунга итоаткорлик ҳулқ-атворини шакллантиришга қаратилмоғи лозим.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3- жилд, Т.:Ўзбекистон, 2019.-Б.-56
2. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон <https://lex.uz/docs/5841063> 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон)
3. “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг профилактикаси тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 29.09.2010 йилдаги ЎРҚ-263-сон <https://lex.uz/docs/1685726?ONDATE2=26.01.2022&action=compare> 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон)
4. 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги ЎРҚ-406-сон Қонуни <https://lex.uz/acts/3026246> 26.01.2022 й., 03/22/747/0064-сон)
5. [8 oyda 2 mingdan ortiq voyaga yetmaganlar tomonidan jinoyat sodir etilgan \(kun.uz\)](https://lex.uz/docs/1685726?ONDATE2=26.01.2022&action=compare)
6. <https://daryo.uz/2023/07/28/ozbekistonda-voyaga-yetmaganlar-tomonidan-sodir-etilgan-jinoyatlarning-eng-kopi-qaysi-hududda-ekani-ochiqlandi>

7. «Ўзбекистон—2030» Стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон <https://lex.uz/uz/docs/6600413> 29.12.2023 й., 06/23/214/0984-сон)